Газета 1997 йил 27 августдан чиқа бошлаган

1999 йил, 25 август, чоршанба # 35 (99)

МУСТАҚИЛЛИК ҲУҚУҚ ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови 2000 йил 9 январь, якшанба кунига тайинлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунида овоз бериш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов учун тузилган сайлов участкаларида участка сайлов комиссиялари томонидан ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси **Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 20 август

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг 7 ва 19-моддаларига, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг 19-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари ҳамда халқ депутатлари сайлови 1999 йил 5 декабрь, якшанба кунига белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайлови бўйича битта сайлов округига сайловчилар нормаси ўртача 49,9 минг сайловчи ҳисобидан белгилаб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар учун умумий бўлган сайлов участкалари ҳамда участка сайлов комиссиялари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 8 ва 14-моддаларига мувофиқ тузилиши белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси **Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 20 август

• *Сессиядан сўнг*

ЭНГ КАТТА КАФОЛАТ

Республика мустақиллигининг дастлабки кунларидан ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ишига долзарб масала сифатида қарала бошланди. Қонун - энг катта кафолат ва у ҳар нарсадан устундир, деган ақида ҳар бир фуқаро дунёқараши ҳамда ҳаракатларининг асосига кўчди. Бу ишда Олий Мажлис депутатлари катта жонбозлик кўрсатдилар. Қисқа вақт ичида ижтимоий ҳаётимизнинг деярли барча соҳаларига оид қонунлар қабул қилинди. Энг муҳими, қонунларни пухта, мукаммал яратиш ва жаҳон андозалари даражасида бўлишини таъминлаш Олий Мажлис фаолиятининг бош мезонига айланди. Бу анъана 19-20 август кунлари бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг XV сессиясида ҳам давом этди.

Бу сессиянинг фарқли томони парламентнинг ўтган беш йиллик фаолиятига якун ясалгани бўлди. Сессия ишида биринчи масала сифатида Олий Мажлис ва унинг раҳбариятининг 1995-1999 йиллардаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботи муҳокама қилинди. Муҳокамада депутатлар ўтган йиллар давомида амалга оширилган ишларга тўхталдилар. Мамлакатимиз раҳбари ўз маърузасида парламент фаолиятига шундай баҳо бердилар: «Ўтган давр мобайнида кўппартиявийлик шаклланган, турли ҳаракатлар, жамоат бирлашмалари сиёсат майдонига чиққан, турли ижтимоий тоифа ва табақалар вужудга кела бошлаган мураккаб бир шароитда Олий Мажлис ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари билан ҳамкорликда жамиятимизда сиёсий мувозанатни, тинчлик ва барқарорликни сақлаб туришда ишончли омил бўлди». Чиндан ҳам, парламент республика ижтимоий-сиёсий

(Давоми 3 - бетда)

• *«Мустақиллик ҳуқуқ демакдир» танловига*



ОЗОДЛИК ҲАҚИДА ДАРС

Яхшибека опанинг дарсларини яхши кўрардим. Маърузаларини қўшиқ эшитгандай мароқ ва ҳаяжон билан тинглардим. Ойдан-да, кундан-да гўзал бу аёл тирик тарих эди мен учун. Унинг кўзларида Култегинни, Отсизни, Тўмарисни, бутун аждодларимизни кўргандай бўлардим.

- Ўтмиш ўтиб кетмайди, - дерди опа. - Ўтмиш биз билан яшайди. Унга қараб фикрлашимиз, хулосалар чиқаришимиз ва келажакни бунёд этишимиз учун ҳам биз билан яшайди.

Яхшибека опа «Озодлик», «Мустақиллик» сўзларини тилга олганида овози ўзгача жаранглари, кўзлари чақнаб кетарди.

Ўша кезлари мустақилликка эришганимизга энди икки йил бўлган, кўпчилик ҳали ҳам юрт истиқболига шубҳа билан қарарди. Ўқитувчимиз вазиятни ҳисобга олиб «Озодлик ҳақида дарс» деб номланувчи туркум маърузалар ўқиганди ўшанди. Опа бу маърузаларини дарслардан кейин ўқишига қарамасдан, талабалар жон-жон деб уни тинглашга қоларди.

Озодлик сўзини эшитсам қулоғим остида ўша маърузалар жаранглайди. Айниқса, 16 февраль воқеалари ҳақида эсласам, ўкиниб қўяман. Балки ўша бадбинлар Яхшибека Абдуллаеванинг озодлик ҳақидаги, Ватан ҳақидаги маърузаларини тинглаганларида, бу ишга мутлақо кўл урмаган бўлармидилар. Яхшибека опамдай устозлар кўп бўлса, юртимиз ёшлари ваҳҳобийу хизбуттаҳрирчиларга ҳеч қачон эргашмаган бўлармиди...

Зеро, устозимиз маъруза ўқисалар, қабоҳату разолат додлаб қочади, кўнгилда меҳру вафо, фидойилик туйғулари куртак ёзади.

Бугун жондан ортиқ севгувчи Ватанимизнинг саккиз йиллик тўйи арафасида устозимнинг ўша маърузаларини юртдошларим билан эслагим келди...

...Қадимда катта бир давлатнинг шоҳаншоҳи бир юрт подшоҳига нома йўллаб, менга суюкли саман отингни берасан, йўқса юртингни вайрон қиламан қабилида ишора қилибди. Подшоҳ ҳеч ўйлаб ўтирмасдан, шоҳаншоҳнинг таклифига рози бўлибди.

Шоҳаншоҳ иккинчи бора мактуб юборибди, менга севимли хотинингни берасан, бўлмасам мамлакатингнинг кулини кўкка совураман, дея дағдаға қилибди. Подшоҳ уламолар билан кенгашиб бу шартга ҳам кўнибди.

Шоҳаншоҳ тинч ўтирмай, учинчи марта чопар юборибди, ўша юртнинг қаровсиз ётган бир парча ерини сўрабди. Подшоҳ тезда сарой аъёнларини йиғиб, уруш бошлашга тайёргарлик кўришни буюрибди. Ҳайрон бўлган аъёнлар сўрашибди:

- Подшоҳим, севимли хотин билан отни қийналмай бердингиз, энди шу бир парча қаровсиз ерга шунчами, уни ҳам бериб кўя қолсак бўлмайдими?

- Йўқ, - дебди подшоҳ. - Хотин ва саман от фақат менгагина тегишли эди. Шоҳаншоҳ сўраётган бир парча ерда ота-боболаримизнинг, халқнинг ва келажак авлоднинг ҳаққи бор. Қолаверса, у Ватаннинг бир парчасидир. У бизнинг озод, эркин, ҳур яшашимиз кафолатидир. Ватандан воз кечиб бўладими, ҳурликдан воз кечиб бўладими?..

...Чақалоқни онасидан бошқа қўлига олса ётсирайди, чинқириб йиғлайди. Болакай ўзга уйга меҳмонга борса, дарров «кетаман»лаб бошлайди. Катта шаҳарга келган ўспиринниng ҳаваси нари борса икки кунда сўнади, қишлоғини соғинади. Ўзга юртда яшаётган одам она тилида бирор калима эшитса ҳаприқади, Ватанининг номи жарангласа бутун вужудини ҳаяжон қоплаб ўтади.

Бунда не синоат бор? Ёшимиз улғайгани сайин Ватан ҳам улғайиб, унга муҳаббатимиз ҳам катталашиб борадими ё? Шуниси аниқки, юрагида ўти бор одам Ватанини севади, Ватанини севган киши фақат яхшиликка хизмат қилади. Не-не даҳолар Ватан таърифини битадилар, муҳаббатларини ичларига сиғдиролмай достон қилиб сўйлайдилар, қўшиқ қилиб куйлайдилар. Муҳаббат эса катталашгандан катталашиб бораверади. Айниқса, Туронзамин фарзандларининг Ватанга муҳаббати ҳамиша тарихни лол қолдириб келган. Ота-боболаримиз Ватан учун, унинг озодлигию, равнақи учун нимани қурбон қилиш керак бўлса, қурбон қилганлар. Зеро, озодлик энг азиз туйғулардандир. Ватан ва озодлик сўзлари ёнма-ён жарангласа, янада улуғ салобат топади. Одамзод пайдо бўлибдики, ақлу идрокини, бутун шижоатини, умрини, керак бўлса жонини фидо қилиб, озодликка интилади. Дунёда не жонзод борки, озодлик истайди, озодлик излайди.

Умримнинг ўттиз уч йили Шўро замонига тўғри келди. Тарихчи бўлганим учунми, бу тузум асосида нималар ётганлигини эрта англадим. Бизни ўзлигимиздан, тарихимиздан, ота-боболаримиздан, миллатимиздан узоқлаштирмоқчи бўлишаётганини, ҳар лаҳзада момиқ билан бўғизлаб туришларини тушуниб етганимда бутун вужудим қақшаб оғирди. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг ривожи мавзусида илмий иш қилаётиб мана шу оғриқларни қўшишга ҳаракат қилгандим. Домлам рус про-

(Давоми 3 - бетда)

Ушбу сонда:

ҚОНУН БУЗИЛМАС ҚЎРҒОНДИР — 2-бет

ВАТАН ТУЙҒУСИ - БУЮК ИНОЯТ — 4-8-бетлар

ТАЪМАГИРНИНГ ҚУРБОНИ — 7-бет



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ПРОКУРАТУРА ИДОРАЛАРИ ҚОНУН БУЗИЛМАС ҚЎРҒОНДИР

Мустақиллик йилларида прокуратура тизимида катта ўзгаришлар содир бўлди. Прокуратура ижтимоий ҳаётимиздаги кенг кўламли янгиланишларга монанд қайта шаклланди. Бунинг асосий сабаби - тараққиёт кафолати бўлган қонунлар ижроси назоратини таъминовчи етакчи орган - прокуратура фаолиятини жонлантириш, лозим даражада ваколатлар бериш ва албатта, масъулиятини ошириш республика рахбариятининг доимий эътиборида бўлганидадир. Прокурорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, аввало, Конституцияда ва шу асосда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунда аниқ белгилаб берилди. Ҳуқуқий негизнинг мукаммаллиги тизимда ислоҳотлар жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Хуллас, қисқа вақт ичида прокуратура тизими қайта шаклланди ва республика ижтимоий ҳаётида мустаҳкам ўринга эга бўлди.



Бўритош САЙФУЛЛАЕВ,
Тошкент вилояти прокурори

Бугунги прокурор саккиз-ўн йил олдингисидан тубдан фарқ қилади. Илгарилари марказ кўрсатмалари билан ишланиб, фақат ҳоким мафкура манфаатлари ҳимоя қилинган бўлса, эндиликда прокурор фаол ислоҳотчи сифатида инсон ҳуқуқларининг кафолатига айланди. Барча соҳаларга оид қонунлар прокурорлар томонидан қатъий назоратга олинган. Буни ҳозирда долзарб бўлиб турган ўзаро тўловлар аҳволи мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, кўп ҳолларда қонун ва қонун ости ҳужжатлари жойлардаги раҳбарлар, масъул ҳамда мансабдор шахслар томонидан лозим даражада бажарилмаяпти. Айрим мутасаддилар бугунги кун талаби, ислоҳотларнинг туб моҳиятини тушуниб етмаяптилар. Корхона, ташкилотларнинг жўнатилган юклар, бажарилган ишлар ва хизматлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби ҳамда қонун талабларини бузган 531 шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилиб, жиддий қонунбузилиш фактлари юзасидан 24 та жиноят иши қўзғатилган бўлишига қарамасдан, 1999 йил 1 июнь ҳолатига умумий дебиторлик қарзлари йил бошига нисбатан 11 млрд. сўмга ўсган. Бунинг биринчи асосий сабаби хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб рақамларида нақд пул маблағлари етишмаслиги натижасида ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ўтказилмаслиги, омборларда тайёр маҳсулотларнинг сотилмай тўпланиб қолиши, шунингдек, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнининг чўзилиши бўлса, иккинчиси, мансабдор шахсларнинг ўз хизмат вазифаларига эътиборсизлик билан қараб, ўзаро ҳисоб-китоблар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар интизомига риоя этмасликлари, айланма маблағлар сақланишини таъминламаслиги, шунингдек, қарши томоннинг молиявий аҳволини ўрганмасдан, тўлов қобилиятига эга бўлмаган корхоналарга 15 фоизлик тўловларсиз маҳсулот бериш ёхуд хизмат кўрсатишда ифодаланган масъулиятсизликдир. Дебитор қарзларининг ошиб кетишига масъулларнинг совуққонликлари, юзага келган вазиятдан ғараз мақсадларда фойдаланиб, талон-тарож қилишлари ҳам сабаб бўлмоқда.

Масалан, «Ўзкимёсаноат» тизимига қарашли Олмалиқ маиший кимё корхонасида ўтказилган текширишда корхона собиқ раҳбари В.Туркин, ўринбосари Чибисов, бош ҳисобчи Н.Семеновалар 1994-1996 йиллар мобайнида Россия ва Белоруссия давлатларидаги хусусий корхона ва фирмаларга маҳсулот юборишда ўз вазифасини суиистеъмол қилиб, қарши томон тўлов қобилиятига эга эмаслигини била туриб, 2121,5 млн. сўмлик дебиторлик қарзлари юзага келишга сабаб бўлишган. Энг ёмони, бу қарз корхона зарарига ҳисобдан чиқарилиб, жуда кўп зарар етказилган. Бу факт юзасидан ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми «а», «в» бандлари билан жиноят иши қўзғатилиб, айблов хулосаси билан судга юборилди.

Маълумки, ишчи-хизматчиларга ойлик маошлари тўланишини таъминлаш раҳбар зиммасига катта масъулият юклайди. Бу раҳбарнинг қонуний бурчи. Шунга қарамай, айрим мутасаддиларнинг бепарволиги оқибатида 1999 йил 1 июнь ҳолатига вилоятдаги 478 та хўжалик юритувчи субъектларнинг вақтида берилмаган иш ҳақидан қарзлари 1566,0 млн. сўмни ташкил этди. Вилоятда шу йилнинг 1 июль ҳолатига 44 та корхона зарар кўриб ишламоқда. Демакки, шунча нафар раҳбар ўз ишига бепарво, эгаллаб турган лавозимига лаёқатсиз. Бу корхоналар жорий йилнинг июнь ойини 312,4 млн. сўм зарар билан якунладилар. Кўрилган зарарнинг 83,1 фоизи саноат корхоналари ҳиссасига тўғри келади.

Йил бошидан бери вилоят прокуратураси идоралари томонидан молия, меҳнат ва ижтимоий таъминот, почта ва телекоммуникация агентлиги, халқ банки идоралари фаолиятида кам таъминланган аҳоли қатламининг ижтимоий ҳимояси ва болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан самарали текширувлар ўтказилди. Ижтимоий таъминот, бандлик хизмати, молия бошқармаси ва марказий банкнинг вилоят бўлими ходимлари томонидан йўл қўйилган қонунбузарликларни бартараф этиш юзасидан 16 та амрнома киритилиб, 1309034 сўм пул давлат ғазнасига қайтарилди, 29 та тақдимнома киритилди ва 98 нафар шахс интизомий, маъмурий, моддий жавобгарликка тортилдилар, жиддий қонунбузарлик ҳолатлари бўйича 12 та жиноят иши қўзғатилди.

Масалан, Чирчиқ шаҳридаги 15-сонли маҳалла қўмитаси котибаси И.Ўразаева шаҳар молия бўлими ходимлари Д. Нурова ва М.Абдуллаевалар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, маҳаллада яшамайдиган 15 киши номига қўшимча қалбаки пул чиқим ведомостлари тузиб, кассадан 81 минг сўм пулни қонунга зид ҳолда олганликлари аниқланиб, мазкур ҳолат бўйича ЖКнинг 167-моддаси аломатлари билан жиноят иши қўзғатилди.

Кези келганда шуни айтиш керакки, жойлардаги ҳокимлар қонунлар, Президент Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижросини таъминлашда масъулиятни яхши англашлари лозим. Афсуски, улар ўз ишлари билан шуғулланиш ўрнига ваколатлари доирасидан чиқиб, ғайриқонуний қарорлар қабул қилмоқдалар. Шу йилнинг дастлабки ярмида туман ва шаҳар ҳокимлари томонидан қабул қилинган 59 та ғайриқонуний қарорлар бекор қилиниб, қонуний ҳолатга келтирилди.

Янгийўл туман ҳокими фуқаро Б.Шодиевга якка тартибда уй-жой қурилиш учун ер ажратиш ҳақида қарор чиқариб, қарорнинг бу бандида қурилишни 1999 йил бошлаб, 2000 йилда тугатиш кўрсатилган. Ер кодексининг 36-моддаси 10-бандида қишлоқ хўжалиги соҳасига тааллуқли бўлмаган эҳтиёжлар учун берилган ер участкаларидан 2 йил мобайнида фойдаланилмаганда эгалик ҳуқуқи бекор қилиниши белгиланган. 39-моддаси 6-бандида эса ер эгаси белгиланган тартибда бинолар ва бошқа иншоотларни барпо этиш, ер участкаларидан мақсадли фойдаланиш ҳамда лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ қуриш ҳуқуқига эгалиги кўрсатилган. Туман ҳокими қарорида эса уй-жой қуриш учун етти ой муддат белгиланиб Б.Шодиевнинг қонуний манфаатлари поймол этилган. Бу қарорга ҳам протест киритилди. Назаримда, ҳокимлар ўзларига тегишли хулоса чиқаришлари, келгусида бундай камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш чораларини кўрмоқлари лозим. Зеро, ҳар бир қабул қилинган қарорда шахс ва давлат манфаатлари ўз ифодасини топади.

Айрим масъул ва мансабдор шахсларнинг ўз вазифаларини лозим даражада бажармаётганликлари, қўл остидаги ходимлар ҳаёти билан қизиқмасдан қўйганликлари натижасида жойларда кўплаб жиноий, маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир бўлаяпти. Бу эса ўз навбатида вилоятда умумий жиноятчиликнинг ўсишига сабаб бўлмоқда. 1999 йилнинг 1 ярмида умумий жиноятчиликнинг вилоят бўйича 3,1 фоизга ўсиши ҳам фикримизнинг далилидир.

Масалан, йил бошидан буён «Электрокимёсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмасида 12 та шахс турли жиноятлар, 27 та шахс майда талон-тарожликлар содир қилганлари учун жавобгарликка тортилганлар. 55 та ишчи-ходим ҳушёрхоналарга маст ҳолатда олиб келинган.

1999 йил 27 апрел куни завод соқчилари Т.Хаштаев ва С.Қурбоналиевлар корхонанинг 55-цехидан жами 1870 кг мис қуймаларини ўғирлаганлар. Бундан ташқари, заводнинг мис назоратчиси М.Сидиқов ушбу жиноий ҳаракатдан хабардор бўлгани ҳолда, милицияга хабар бермаган.



Суратда: Тошкент вилояти прокуратурасининг Чирчиқ шаҳридаги ўқув мажмуаси.

Жиноятчиликка қарши кураш борасида прокуратура идоралари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда бир қатор ишлар олиб борилди. Вилоятда ўта оғир жиноятлар сони 30,5 фоизга, оғир жиноятлар 4,8 фоизга, қасддан шикаст етказиш 1,8 фоизга, ўғирлик 3,8 фоизга, талончилик 29,6 фоизга, босқинчилик 6,5 фоизга, ўқ отар қуролларни ўғирлаш 50 фоизга, гуруҳлар томонидан содир этилган жиноятлар 3,9 фоизга, маст ҳолатда содир қилинган жиноятлар 15,8 фоизга ҳамда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 11,1 фоизга камайишига эришилди. Айни пайтда жиноятчиликнинг айрим турлари ўсишига йўл қўйилди. Бунинг сабабларидан бири, мутасадди идоралар томонидан ўта оғир жиноятларнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишлар қониқарсизлиги, амалий тергов-тезкор ҳаракатлари ўтказилмасдан, сансоларликка йўл қўйилиши, жиноят ишлари бўйича сифатсиз ва бир томонлама тергов ҳаракатлари олиб борилаётганлиги ҳамда жиноятни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни аниқлаш масаласига етарли аҳамият берилмаётганлигидир.

Бу каби долзарб масалалар якинда бўлиб ўтган вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларининг мувофиқлаштирувчи кенгашида муҳокама қилинди. Кенгашда мутасаддилар билан ҳамкорликда келгуси вазифалар белгилаб олинди. Қонун мустаҳкам қўрғондир, деган ғоя яқин йиллар ичида ҳар бир фуқаронинг ҳаракатлари асосини ташкил этади.

• *Сессиядан сўнг*

ЭНГ КАТТА КАФОЛАТ

(Давоми. Бошланиши 1 - бетда)

ҳаётида қонун чиқарувчи орган сифатида ўз ўрнига эга бўлди. Бошланган ислоҳотларнинг муҳим кафолатларидан бирига айланди.

Сессия ишида атрофлича муҳокамалардан сўнг, «Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги, «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги, «Табиий монополиялар тўғрисида»ги, «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИТС касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»ги, «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги, «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Туризм тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Шунингдек, Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан депутатлар муҳокамасига қўйилган «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги ҳамда «Суд ижрочилари тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари биринчи ўқишда маъқулланди. Шу ўринда мазкур қонун лойиҳалари ҳақида тўхталиб ўтсак.

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси суд ҳужжатларининг, шунингдек қонунда белгиланган ваколатларни амалга оширишлари пайтида фуқаролар ёки юридик шахслар зиммасига пул маблағлари ва ўзга мол-мулкни бошқа шахсларга бериш ёхуд улар фойдасига муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатлардан ўзини тийиш мажбуриятларини юклаш ҳуқуқи берилган бошқа органларнинг ҳужжатларини мажбурий ижроси борасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солишни назарда тутади.

Маълумки, тараққиёт учун қонуннинг мавжудлигигина эмас, балки унинг ижроси, самарадорлиги ҳам муҳимдир. Бу ҳужжатнинг тайёрланиши ва Олий Мажлис муҳокамасига қўйилишининг ҳам асосий сабаби суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш борасида камчиликларга йўл қўйилаётгани, иш механизми мавжуд эмаслиги экани шубҳасиз. Лойиҳада ижро этиш органлари, ижро ҳужжатлари, унинг мазмуни, амалга ошириш жойи, вақти ва муддатлари белгилаб берилган. Айниқса, ижро иши юритишда холисларнинг иштироки, уларнинг ҳуқуқи ва мажбуриятлари ҳам кўрсатилганки, бу жамоат назоратини амалга ошириш, демакки, ижро жараёнида қонунийликни таъминлаш кафолати бўлиб хизмат қилади. Хуллас, лойиҳада ижро механизмининг барча жиҳатлари қамраб олинган.

«Суд ижрочилари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси мазкур қонунни тўлдиради. Лойиҳада «Суд ижрочиси-суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий тартибда ижро этиш вазифаси қонун ҳужжатлари билан зиммасига юкланган мансабдор шахсдир», дейилган.

Суд ижрочилари ижро ҳаракатларини амалга оширишда зарур ахборот, тушунтириш ва маълумотномалар олиш, иш берувчиларда уларда ишлаётган қарздорларга нисбатан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этилишини ва молиявий ҳужжатларнинг юритилишини ижро ишини юритишга мувофиқ текширувдан ўтказиш, ижро ишини юритишда иштирок этаётган фуқаролар ва юридик шахсларга муайян ижро ҳаракатларини амалга ошириш масалалари юзасидан топшириқлар бериш каби қатор ҳуқуқларга эга бўлиши белгиланган.

Қонун лойиҳасида, шунингдек, суд ижрочисининг жавобгарлиги, суд ижрочиларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси кафолатлари ҳамда улар фаолиятининг молиявий, моддий-техник таъминоти масалалари қонун йўли билан белгилаб қўйилиши назарда тутилган. Ҳар иккала қонун ҳам суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, умуман ижро интизомини таъминлашда муҳим кафолат бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Халқимиз катта сиёсий жараён - сайловлар арафасида турибди. Яна бир бор ақл идроки ва иродасини катта синовдан ўтказади. Биз ишонамизки, янги сиёсий жараёнлар фақат халқимиз, юртимиз фаровонлигига хизмат қилади.

Ўктамбой ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси прокуратураси судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси прокурори

• *«Мустақиллик ҳуқуқ демакдир» танловига*

ОЗОДЛИК ҲАҚИДА ДАРС

(Давоми. Бошланиши 1 - бетда)

фессори, кулиб қўярди. «Эҳ, қизалоғим, кошки сенинг куюнганинг билан тузумни ўзгартириб бўлса». Домлам ҳақиқатни яширолмасди, аммо ҳақиқат ожиз, кучсиз эди. Москва кўчаларида неча бор «осиёлик», «текинхўр» деган таъналарни эшитганман. Томоғимга аччиқ исён келиб тиқилардию, додлаёлмасдим, гапиролмасдим.

Кеча-кундуз даладан келмайдиган, бешикдаги болисигача меҳнат қиладиган халқ текинхўр бўлса... Ўша кезлари қишлоқларда ҳозилнамо зил гап бўларди. «Бўлса бўлар, бўлмаса болалар ер» деган. Деҳқонлар бир-биридан «бу йил ҳосил қанақа бўларкин?», деб сўрасалар шу жавобни олардилар, кулишиб қўярдилар. Аслида эса бу дахшатли ҳақиқат эди. Агар ҳосил яхши бўлса, уни деҳқоннинг боласи еёлмайди, уни ейдиганлар бор. Деҳқоннинг боласи ҳом, пишмаган ёки ейишга ярамайдиганинигина ейди.

Шукрким, у кунлар ортда қолди. Оллоҳ дейман, яхшиям юртнинг эркпарвар, миллатпарвар ўғиллари бор экан, бугун диёримиз озод, тез кунларда эса обод ҳам бўлади.

Мен буларни нега гапираяпман? Озодликка осонликча эришганимизни эслатиш учун. Гапирганим зўғумларнинг мингдан бири, холос.

Мустабид тузум маънавиятимиз, илм-фанимизни болталаб ташламоқчи бўлганини гапирсам ҳаммангизнинг кўзингизда ёш айланади. Биласизми, менга нима алам қилади? Мана шу фожиаларни кўра-била туриб ҳам кимлардир Шўро тузумини мақтаб гапириб қоладилар. Мустақилликка эришиб нима фойда кўрдик, дегувчилар йўқ эмас. Ахир, озодликнинг ўзи энг катта бойлик эмасми? Китобларни варақлаб ўтириб юрагимдан бир нола отилиб чиқарди. «Худо, дердим, бизни бу ёвларнинг, жаллодларнинг қўлидан халос қил, ота-боболаримиз шон-шавкати ҳурмати, озодлик бер. Менга шуҳрат ҳам, бойлик ҳам, ҳатто узоқ умр ҳам керакмас. Мен озод ўлайин, мен ҳур ўлайин». Наҳотки бир лаҳза озод, эркин яшаш, ўзинг бўлиб яшаш имкониятини ўткинчи нарсаларга алишсак?

Ҳали айтганимдай, боболаримиз Ватан ҳурлиги учун интилиб яшаганлар. «Авесто»ни варақласангиз, улар қудратидан ҳайратланасиз, ғурурланасиз. Шоир Ғафур Ғулом бекорга «Кимлигингни энг катта бувангдан сўра» демаган эканда дейсиз. Бу китоб халқимиз азалдан бутун бўлганлигини, боболаримиз оқил, одил ва мард бўлишганини исботлайди. Уларнинг ўз дини, урф одатларига эгалиги озод халқ бўлганлигини кўрсатади.

Қадим турклар тарихини ўргансангиз боболаримизга ҳурматимиз янада баландлашади. Қадим турклар олиб борган адолатли сиёсат, Алп Эр Тунга, Билгихон, Култегинлар жасорати ҳақидаги ҳикоялар кишини тўлқинлантиради, кўнгилни осмонлантиради.

Аммо, шу ўринда тарихнинг аччиқ сабоқларига ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Қадим турклар давлати нега емирилди?

Айрим ҳоконларнинг урф-одатларга нописанд муносабати сабаб бўлмадими бунга?

Ёхуд Хоразм давлатини олайлик. Отсиз бу давлатни барпо қилиш учун қандай матонат билан курашди. Мақсадига эришди ҳам. Бироқ, орадан асрлар ўтиб адолатсизлик ва Туркон хотунларнинг синовларга матонат ва бардош билан чидади.

Шундай экан, бу кунларнинг қадрига етмоқ биз учун қарзу фарздир. Худо бизга озод яшаш бахтини берди. Илоҳо озод ўлиш бахти ҳам насиб этсин...

... Ҳа, Яхшибека опа мустақиллик ҳақида тўлқинланиб гапиради. Ишонаманки, Нукус давлат Педагогика институти тарих факультети декани, тарих фанлари номзоди Яхшибека Абдуллаева бугун ҳам талабаларга озодлик ҳақида маърузалар ўқимоқда. Уларни тинглаган талабалар кўксида, Ватан, Озодлик туйғулари янада мустаҳкамроқ ўрнашмоқда. Опамни ўтган йили учратганимда, қувониб гапирган эдиларки, Нукус туманида археологик изланишлар олиб боратётиб Хумо қушининг суратини топдик. Уни зардўштийлар замонига тааллуқли деб тахмин қилаяпмиз.

Аслида Ватанимиз бошига чин Хумо қуши қўнган.

Устозимни эслайману, яна 16 февраль воқеаларини ҳақида ўйлайман. Воқеа иштирокчиларининг болалиги, ўсмирлиги, умуман шаклланиш даври Шўро тузумининг энг пароканда даврига тўғри келган. Демак, уларга ҳеч ким Ватан, она-юрт ҳақида гапирмаган, Ватаннинг муқаддаслигини ўргатмаган. Улар шуурида пароканлик, зўравонлик эвазигагина яшаш мумкин, деган тушунча сингишиб қолган.

Бугун озод Ўзбекистон ўзининг фидойи йўлбошчиси бошчилигида юксалиш, ривожланиш йўлидан бормоқда.

Кишилар руҳияти ўзгариб, улар кўнглида яхшиликка, эзгуликка, ривожланишга иштиёқ пайдо бўлмоқда. Фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини танимоқда. Бу эса кимларгадир ёқмаяпти, бошқачароқ айтганда халқнинг дастурхонидан ўмаришига халақит қилмоқда. Шу боис улар ҳам қадим юртдаги каби пароканлик қилмоқчи бўлдилар. Қадим бир юртда халқнинг фаровон турмушини, тинч ҳаётини кўролмаган кимсаларнинг подшоҳга гап ўргатиб,халқни йўлдан урганлиги ҳақида ривоят бор. Айёр вазирларнинг гапига алданган подшоҳ халққа тепаликка тухум олиб чиқишни буюради. Кейин эса ҳар ким ўзи келтирган тухумни қайтариб олсин дейди. Табиийки бунинг иложи йўқ эди.

Бизнинг юртимизни издан чиқармоқчи бўлганлар бошқачароқ йўлдан бордилар. 16 февраль воқеаларини содир қилдилар. Аммо, бу сафар халқ алданмади. Зеро, кўнгилдаги имон қалъалари мустаҳкамдир. Қадимнинг манфаатпарастлари подшоҳни авраган эдилар. Бизнинг юртбошимизни эса авраб бўлмайди.

Биз юртимизни, озодлигимизни ёмонларга бермаймиз. Фарзандларимизни ҳам аждодларга муносиб, ватанпарвар инсонлар қилиб тарбияляймиз. Бунга шубҳа йўқ. Зеро, бу йўлда Яхшибека опамдай ажойиб устозлар бор.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
журналист

• *Қонун ва назорат*

ПРОКУРОР - ФАОЛ ИСЛОҲОТЧИ

Бозор иқтисодиётининг етакчи қонуниятларидан бири - турли мулк шакллари ўртасида соғлом рақобатни шакллантиришдир. Республикамизда янги ижтимоий-иқтисодий шароитга ўтишнинг дастлабки кунларидан айни тамойилга асосланиб, давлат тасарруфида бўлган мулкни хусусийлаштириш чоралари кўрила бошланди. Мулкчиликнинг янги шаклларини вужудга келтириш, кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш, деҳқон-фермер, шахсий ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш учун қулай шарт-шароит яратиш, хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг конституциявий ҳуқуқлари ва кафолатларини таъминлашасосларини мустаҳкамлаш ва шуларнинг кафолати бўлган қонунлар ижросини назорат қилиш прокуратура зиммасига ҳам катта масъулият юклади.
Якинда мухбиримиз Чиноз туман прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Абдулла МАМАДАЛИЕВ ҳузурида бўлиб, туманда қишлоқ хўжалигига оид қонунлар ижроси устидан прокурор назорати аҳволи ҳақида сўради.

- Туманимиз қишлоқ хўжалигига ихтисослашган. Чиноз азалдан ер билан тиллашадиган бободеҳқонлари билан машҳур. Шунга қарамай, кейинги беш-олти йил ичида туман қишлоқ хўжалигида оқсаш, бошбошдоқлик мавсуми бошланган. Биз бу ўринда айбни деҳқондан изламимиз адолатдан бўлмас. Зотан деҳқон йил ўн икки ой далада фидоий меҳнат қилса, вақтида ойлик ололмаса-ю, биз яна унга таъна қилсак. Хўш, ким айбдор? Бунга 1997 йил 27 октябрдаги «Қишлоқ хўжалигида туб ислоҳотларни амалга оширишда қонунчиликни таъминлашнинг долзарб вазифалари»га бағишланган Республика прокуратурасининг кенгайтирилган ҳайъат мажлисидан жавоб топиш мумкин. Мазкур ҳайъат мажлисида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар суст бораётганининг бош сабаби раҳбар кадрларнинг ишга совуққон муносабати, лаёқатсизлиги экани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бош прокурор томонидан бизнинг зиммамизга улкан масъулият юкланди. Биз шу талаблар асосида жорий ва истиқболли режалар ишлаб чиқиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда муайян тадбирларни амалга оширдик.

Туманнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш, ислоҳотларни изчил амалга оширишни таъминлаш учун, аввало, раҳбар кадрларнинг масъулияти оширилди. Халқимиз ўн ишчидан бир бошчи афзал, деб бекорга айтмаган. Бирон хўжалик, корхона ёки жамоада ишнинг самарадорлиги биринчи навбатда раҳбарнинг ишбилармонлиги, замонавий тафаккур тарзига эга экани билан боғлиқ. Раҳбарнинг кучи ишнинг кўзини биладиган, шижоатли, фидоий одамларга ишлаш учун зарур шарт-шароит яратиб бериши ва уларнинг меҳнатига яраша манфаат кўришларини таъминлаши билан белгиланади.

Гап қишлоқ хўжалигида ислоҳотларнинг аҳволи ҳақида борар экан, бу соҳа тўлиқ назоратга олинганини таъкидлаш керак. Жумладан, фермерларга ер бериш, ердан самарасиз фойдаланишга йўл қўймаслик, экинларга ўз вақтида агротехник ишлов беришни таъминлаш, экинзорларни пайҳон қилинишининг олдини олиш, контракция шартномалари бажарилиши аҳволи, уларнинг қонунийлиги, жамоа ва давлат мулкини сақлаш, корхоналарни акциядорлик асосида ташкил этиш, иш ҳақи ҳамда нафақаларни ўз вақтида тўлаш, ўзаро тўлов интизомига қатъий риоя этилишини назорат қилиш доимий эътиборимизда бўлди. Каттадир-кичикдир ҳар бир қонунбузилиш ҳолати устидан айбдорларга нисбатан қатъий прокурор таъсир чоралари қўлланилди. Жорий йилнинг дастлабки олти ойи мобайнида қишлоқ хўжалиги тармоқларида йўл қўйилган қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш борасида 12 та тақдимнома, 13 та амрнома киритилди. Қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида 200 та шахс огоҳлантирилди. 28 та шахс маъмурий ва 12 та шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Бу каби ишларимиз бугунга келиб дастлабки самараларини бера бошлади. Туманда ерга муносабат изчиллик билан ўзгариб бормоқда. Ҳосилдорлик бирмунча кўтарилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга сотиш режалари бажарилди. Бунинг яна бир боиси, пудрат ва ижара, шахсий ёрдамчи, фермер ҳамда ширкат хўжаликлари ишининг тўғри ташкил этилганидир. Туманда 1997 йилда 25 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатган бўлса, бугун уларнинг сони 140 тага етди. Албатта, уларнинг сони ортиши баробарида самарадорлиги ҳам кўтарилмоқда. Фермерлар туман иқтисодиётини кўтаришда тобора салмоқли куч сифатида шаклланиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида тўлов интизоми, иш ҳақининг ўз вақтида берилиши аҳволи доимий назоратга олингани сабабли шу кунга келиб иш ҳақи ва барча турдаги нафақаларни вақтида бериб борилишига эришилди.

Туманда мулк шаклининг ўзгариши иқтисодий юксалиш гарови бўлмоқда. Корхона ва ташкилотларнинг акциядорлик жамиятларига айлантирилиши ишчи-хизматчиларда меҳнатга муносатни тубдан ўзгартирди. Бугун қаердаки меҳнатга яраша манфаатдорлик бўлса, шу ерда унум бўлиши кундек равшан. Шу каби тадбирлар натижасида саноат, савдо ва ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларида иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишига эришилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида туман корхона-лари томонидан 58313,6 минг сўмлик акциялар қимматли қоғозлар бозорида сотилди.

Хуллас, Чиноза қишлоқ хўжалигига оид қонунлар ижроси доимий назоратга олингани учун ислоҳотлар бир маромда кетмоқда.

Бозорбой УЛЛИБОБОЕВ
ёзиб олди

• *«Мустақиллик ҳуқуқ демакдир» танловига*

Йўловчи узоқ йўл юргач, ортига бир назар ташлайди, босган кадамларини сарҳисоб қилади. Биз ҳам мустақиллигимизнинг 8 йилида босган йўлимизга бир назар ташлаб, ана шу йиллар давомида нимага эга бўлдигу, нимани йўқотдик, деган савол хусусида баҳоли қудрат фикр айтмокка жазм этдик.

ВАТАН ТУЙҒУСИ - БУЮК ИНОЯТ

Мустақиллик берган энг буюк неъмат - Ватанпарварлик туйғусидир. Бу муқаддас туйғу ҳар бир ўзбекистонлик қалбига жо бўлиб, ватанга садоқат, ифтихор ва мамнунлик ҳисларини уйғотмокда. Собиқ СССР пайтида .«Ватанимиз Совет Иттифоқи»ни, Чор Россияси даврида эса «халқнинг хоҳиш-иродаси билан империяга қўшилиш»ни тарғиб этган шоввозларнинг асосий вазифаси халқимиз қалбидан - Ватан туйғусини йўқ қилиш, мавҳумлаштиришдан иборат бўлган. Бунга маълум маънода эришганлар ҳам. Бу йўлда ҳар қандай қабиҳликдан қайтмаганлар. Халқнинг онгли қатлами, ватанимизни севган, уни қадрлаган ҳар бир инсон қатағонларга гирифтор қилинган. Ўз она Ватанини куйлаган, мадҳ этган, унга муҳаббат изҳор этган ҳар бир шахс - халқ Ватан душмани деб танилган. «Ўзбегим», «Ўзбекистон - Ватаним маним», деб баралла айтишдан қўрқар эдик. «Адресим Совет Иттифоқи» «Россия менинг Ватаним» - каби шиорларни куйловчилар - Ватанпарвар дейилган, иньомлар олган. Шундай шароитда 100 йилдан зиёд вақт олиб борилган, миллионлаб қурбонлар берган «буюк шовинизм», «миллатчилик» уруши кўпларнинг, жумладан кексаю-ёшлар қалбида Ватан туйғусини йўқ қилиб, «интернационализм» ниқоби остидаги манқуртлик гирдобига ғарқ қилиб юборди. Аммо, бу туйғуни халқнинг қалбидан умуман юлиб ташлаш ҳеч кимга насиб этмади. Искандар Зулқарнайн, Чингизхон, Боту, Жўжи ва бошқа кўплаб жаллодлар йўқотолмаган бу туйғуни халқнинг юрагидан ўчириб бўлармиди! Ўша йилларда кимдир бу туйғуни юрагида ардоқлади, кимдир Ватанидан йироқда шу туйғу деб куйиб-ёнди, кимдир юртнинг дала-даштлари, тоғу-тошлари, ой-қуёши мисолида Ватанини мадҳ этди, кимдир қалбидаги бу туйғуни юзага чиқаролмай армонда ўтди, кимдир бу туйғуни асраб-авайлаб авлодларига мерос қолдирди. Бу муқаддас туйғу онгли инсонлар қалбининг тўрида ардоқли ва пинҳона сақланарди, уларнинг юрагида умид чечаклари уйғотарди. Аммо, кимларнингдир юрагида бу туйғулар аллақачон барҳам топган, Она-Ватанни севиш ва ардоқлашдек қайноқ хислардан маҳрум бўлган эдилар. Уларнинг онгларига Ватаним деб жон берганлар - босмачилар, юрт фидойилари - халқ душманлари, Амир Темир каби ўғлонлари - қонхўр жаллодлар сифатида ўрнашган эди. Ва аксинча Ленинни «доҳий», Сталинни «халқлар отаси», «Доҳий»ларнинг Кремль минбарларидан ўқиган оташин нутқларини эшитганда, фазога космик кемалар учган-да, кўкракларимизга беш қир-рали юлдуз тақилган пайтларда ҳам бундай туйғулар қалбларимизга меҳмон бўлмас эди.

Фақат мустақилликкина қалбларимизга Ватан туйғусини олиб кира олди. Давлатимиз мадҳияси янграганда, байроғимиз БМТ биносида ҳилпираб турганда, юртбошимиз Президентликка сайланиб, «халқимга, Ватанимга содиқ қоламан» деб қасамёд қилганда, Мингбулоқда нефть булоғи қайнаганда, Асакада биринчи бор ўзбек автомашиналари чиққанда, халқаро мусобақаларда спортчиларимиз шарафига давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграганда, Зарафшон олтинлари дунё юзини кўрганда, соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳайкали қад кўтарганда, ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Ал-Фарғоний каби буюк зотларнинг номлари ардоқланганда, юртбошимиз НАТО минбарига кўтарилганда... илк бор шу ажиб

(Давоми 8 - бетда)

Черняевни «озодлик тимсоли», Петр I ни «халоскор» сифатида билар эдилар. Кўчаларимизда ҳилпираган алвон ранг байроқлар бизларда бундай ҳис-туйғулар уйғота олмас эди.

• *Қуйи прокуратураларда*

ИЖРО НАЗОРАТИ



Ҳикматилла НАЗАРМЕТОВ,
Қибрай туман прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси

Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжаликлари тўғрисида»ги, «Ер тўғрисида»ги, «Ижара тўғрисида»ги, «Жамоа ва хўжалик тўғрисида»ги қонунлари ижроси юзасидан ўтказилган текширувларда бир қатор жамоа, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда фуқаролар томонидан қонунлар қўпол равишда бузилаётганлиги аниқланиб, натижаларга кўра чора-тадбирлар белгиланди.

Дейлик, «Ер кодекси»га мувофиқ ер муносабатларини тартибга солиш ваколатлари қишлоқ фуқаролар йиғинлари раисларига берилмаган. Шундай бўлсада «Матқобулов», «Каттақўрғон» фуқаролар йиғини раислари фуқароларга уй-жой қуриш учун ер майдонлари ажратганлар ва бириктирганлар. Ушбу ҳолат юзасидан туман ҳокими номига 4 та протест ва 1 та тақдимнома киритилди, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раисларининг 4 та ғайриқонуний қарорларига протест келтирилди.

Қишлоқ хўжалик техникасини сақлаш ва фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар бажарилиши текширилганда, Жомий номли жамоа хўжалигида трактор тиркамалари, дон ўриш комбайнларини жиҳозлашда совуққонлик қилинганлиги натижасида жамоа хўжалигига 285000 сўм моддий зарар етказилганлиги аниқланиб, жамоа хўжалиги бош муҳандиси С.Сотиловга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 207-моддаси 1-қисмига асосан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан қонуний ҳал этилди. Бундан ташқари, қонунбузарлик ҳолатлари ҳақида 1 та тақдимнома киритилиб, 20 та шахс интизомий, 20 та шахс моддий жавобгарликка тортилди.

Маълумки, банк, валюта, пул муомаласи, ўзаро тўлов ва қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунлар ижросини таъминлаш бугуннинг долзарб масалаларидан саналади. Бу борада ўтказилган текширишлар натижаларига кўра 16та шахс ёзма

• *Эл соғлиги - юрт бойлиги*

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Дейлик, шароб ичиб жўр бўлиб қўшик айтаётган одамлар аксарият ҳолларда грузинлар бўлиб чиқади. Иккита одам учрашиб қолиб, болачақадан тортиб кайфиятгача суриштиришса, билингки, улар - ўзбеклар.

БИРНИ КЎРИБ ФИКР КИЛ...

Ҳа, биз шундай халқмиз. Буни меҳру оқибат деймизми, ё ўзбекчилик деб атаса ҳам бўлар. Диққатга молик томони шундаки, ўша дийдорлашув жараёнида албатта соғлиқ ҳақида сўралади. Зеро, соғлиғинг - бойлигинг, саломатлик - туман бойлик деб қўйибдилар. Соғлом одамгина чиройли турмуш кечириши, жамиятга фойда келтириши, одамлари соғлом мамлакатгина тараққиётнинг юксак чўққиларига чиқиши мумкин... Яна шуни ҳам айтиш керакки, оналари соғлом миллат дунёдаги энг соғлом миллатдир.

Хўш, бу борада мамлакатимизда қандай ишлар амалга оширилмоқда? Бу ўринда гапни қисқа қилиб, Ўзбекистонимизда таъсис этилган энг биринчи орден «Соғлом авлод учун» дея аталишини айтиш кифоя. Шунинг ўзиёқ кўп нарсани англатади.

Энди яратилган шароиту қилинган ишларни Тошкент вилояти мисолида кўриб чиқсак.

Бугунги кунда вилоятда 2,3 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларга 98 та шифохона, 281 та амбулатория - поликлиника муассасалари, 272 та фельдшер-акушерлик пунктлари тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу миқдор етарлими, йўқми? Вилоят прокуратураси томонидан соғлиқни сақлаш муассасаларида оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар ижроси мутахассислар ҳамкорлигида ўрганиб чиқилди. Шу нарса аниқ бўлдики, аҳолининг тиббий хизматга эҳтиёжи ошиб бораётганига қарамай, ўтган давр мобайнида 4 та қишлоқ участка шифохонаси тугатилган. Бунинг сабаби, бизнингча, ажратилаётган маблағлардан оқилона фойдаланилмаётганлигидадир. Ўтган 1998 йилда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига бюджетдан ажратилган 3 миллиард 423 миллион 900 минг сўм маблағнинг 35,5 миллион сўми ўзлаштирилмай қолиб кетган. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса бюджет маблағларининг ўзлаштири-лиши 99,5 фоизни ташкил қилган. Бу эса аҳоли ўртасида давлат соғлиқни сақлашга етарли маблағ ажратмайди, деган нотўғри тушунча пайдо бўлишига олиб келади.

Худди шу сабаб туфайли вилоятдаги деярли барча тиббиёт масканларида беморлар учун дори-дармон, кийим-кечак, чойшаб етишмаслиги ҳолатлари мавжуд. Бу далил ва рақамларга ўқувчи шунчаки кўз югуртириб кетиши мумкин... Аммо худди ана шу каби нуқсонлар, қолаверса шифокорларнинг совуққонлиги оқибатида 1998 йилда вилоят бўйича аёллар вафоти ҳақидаги маълумотга бефарқ қараб бўлмайди. Афсуски, вилоятда болалар ўлими ҳам йўқ эмас. Гарчи бугунги ахборот асрида бизга бу рақамлар бармоқ билан саноса бўладиган даражада кам туюлса ҳам аслида кўпдир. Негаки, ҳар бир марҳум ортида бир оила, ҳар бир оила ортида бир маҳалла туради. Уларнинг чеккан изтиробларини эса, чандон уринманг, бармоқ билан санаш мумкин эмас.

Яна бир гап, шифокорларнинг тиббий, иш юритиш малакалари ҳақида. Афсуски, бу борада ҳам хато-камчиликлар мавжуд. Мисол учун, Ўрта Чирчиқ тумани акушерлик комплексида шифокорлар томонидан 15 фоиз аёлларнинг касаллик варақасида текширув натижалари, ҳарорат ўлчами ва бошқа шифокор кузатувлари ёзилмаган. Айрим беморларга тайинланган дори-дармонлар касаллик варақасига қайд қилинмаган. Туғруқхонага келган аёлларни рўйхатдан ўтказиш учун масъул шахс тайинланмаган. Энг ачинарлиси, 1998 йилнинг август - сентябрь ойлари учун 104818 сўмлик дори-дармон олингани ҳолда, улар беморларга берилмаган, аммо 38877 сўмлик дорилар берилди, дея расмийлаштирилган. Ушбу ҳолат бўйича текшириш ўтказилганда, бу ишнинг бошида касалхона катта ҳамшираси М.Султонова турганлиги аниқланди. Раҳбариятнинг бу ҳодисадан хабарсиз қолганлиги ажабланарли ҳолдир.

Бир мақолада вилоят соғлиқни сақлаш муассасаларида санитария қоидаларига риоя қилинмаётганлиги, аксарият шифохоналарда эскирган асбобускуналардан фойдаланилаётганлиги каби бир қанча камчиликлар ҳақида батафсил ёзишнинг имкони йўқ. Аммо биз учун бу эмас, шу камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилган чоратадбирлар муҳим. Текшириш натижалари бўйича шаҳар ва туман ҳокимлари номига аниқланган нуқсонларни бар-тараф этиш юзасидан прокуратура томонидан 10 та тақдимнома киритилди. 3 шахс интизомий, 18 шахс моддий, 11 шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Битта жиноий иш қўзғатилди. Бундан ҳар ким ўзига тегишли хулоса чиқариб олади, деб умид қиламиз. Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил деганларидай, мақсадимиз аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат савиясини янада кўтариш эканлигини зукко ўқувчилар англагандирлар...



Суратда: вилоят прокуратурасининг умумий назорат бўлими ходимлари.

О.БЕГМАТОВ,
Тошкент вилояти прокуратурасининг умумий назорат бўлими прокурори

равишда огоҳлантирилди, 18 та шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, 1 та жиноят иши ва 7 та даъво аризаси қўзғатилди.

Булар умумий назорат тартибида ўтказилган текширишларнинг бир қисми, холос. Туман прокуратураси, шунингдек, қонунни мужассамлаштириш ҳамда ҳуқуқ-тартибот, вояга етмаганларга оид қонунлар ижроси назорати, жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда унга қарши кураш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, прокуратура ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний оқидапарастликнинг олдини олиш» бўйича дастури асосида доимий равишда маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари ўтказилмоқда.

Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида турли тадбирлар амалга оширилмоқда. Туман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларининг «Балоғатга етмаганлар ва ўсмирлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, ҳуқуқ тартибот ишларини кучайтириш, ёш авлодни тарбиялашга қаратилган туман минтақавий чора-тадбирлар дастури» ишлаб чиқилди. Бу дастур асосида турли учрашувлар, суҳбатлар, текширишлар олиб борилмоқда.

Шунга қарамай, туманда 9 нафар ўспирин жиноят содир этганлиги аниқланди, уларга нисбатан 5 та жиноят иши қўзғатилди. Жиноят сабаблари таҳлил этилганда, оилада ва мактабда тарбиявий ишлар етарли даражада бўлмаганлиги, касб танлаш, ишга жойлаштириш, ҳуқуқий тарғибот ишлари етарли даражада олиб борилмаётганлиги аниқланди.

Умуман, туманда жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш борасида қатор ишлар олиб борилмоқда. Аммо, гуруч курмаксиз бўлмайди, дейдилар. Баъзи виждонсиз, манқурт, одамийликни унутган кимсалар томонидан жиноятлар содир этиш ҳолатлари аниқланмоқда. 1999 йилнинг биринчи ярмида 87 та оғир, 17 та ўта оғир жиноятлар қайд этилди. Ушбу жиноятларни содир қилган шахсларнинг аксарияти ишсизлар ва муқаддам судланганлардир.

Масалан, муқаддам жиноят содир этган ва ҳеч қаерда ишламайдиган фуқаро Шуҳрат Ҳамдамов 1999 йил 14 майдан 15 майга ўтар кечаси спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст ҳолда Бойқўрғон қишлоқ кенгашида истиқомат қилувчи фуқаро М.Миразизовни қасддан ўлдирган. Унга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Қонун мустаҳкам кўрғон дейдилар. Бу фикр амалда исботини топиши учун фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, фуқароларни қонунлардан бохабар қилиш лозим. Биз бунга эришиш учун тинимсиз ҳаракат қилмоқдамиз. Турли тадбирларни, режаларни амалга оширмоқдамиз.

Тадбирлар натижа бериб, жиноятчиликнинг, қонунбузарликларнинг кескин камайишига яқин фурсатда эришишимизга ишонамиз.

• *Мадатталаб мактуб*

ЎЗИ ХОН, КЎЛАНКАСИ МАЙДОН

Ҳар бир раҳбар халқнинг яхши-ёмон кунига шерик бўлиши керак. Аҳолининг моддий фаровонлигини ошириш, турмуш шароитини яхшилаш ва инсон қадрини улуғлашни ўз олдига мақсад қилиб қўймоғи лозим.

Афсуски, ана шундай оддий ҳақиқатга бутунлай тескари иш тутаётганлар ҳам йўқ эмас. Бобоназар Тошбоевни сира иккиланмай ана шундай раҳбарлар тоифасига киритиш мумкин.

Бу жаноб ҳеч қачон одамлар кўнглига йўл топиш ҳақида ўйламаган. Бизга ўхшаган оддий колхўзчиларнику назар-писанд қилмайди. Ҳатто арзимизга қулоқ тутишни ҳам истамайди. Ҳалол меҳнат билан топган ҳақимизни бериш ўрнига доим ризқимизни қийиб келди.

Кўп кишиларга нисбатан ноҳақлик қилди. Жабр-зулм ўтказишдан ҳам тап тортмади.

Ана шундай феълу-аъмоли туфайли ўзи ҳам ҳеч қачон обрў топгани йўқ. Ҳамиша панд еб келаётир.

Б.Тошбоев саксонинчи йилларда ҳам хўжалигимизда раис бўлиб ишлаган. Бироқ орадан кўп ўтмай қонунбузарлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган. Кейинчалик савдотайёрлов идорасида бошлиқ бўлган кезларида ҳам ўз қинғир ишларини давом эттирган. Шу боис бу жамоада ҳам кўним тополмади. Ва 1994 йилда қандайдир йўллар билан яна бизнинг хўжалигимиз раиси курсисини эгаллади. Аммо шундан кейин ҳам ўзига тегишли хулоса чиқармади. Жамоани муомала-муроса билан ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сафарбар этмади. Одамларнинг ҳол-аҳволи билан қизиқмади. Лоақал колхўзчиларнинг пешона тери эвазига топган иш ҳақини бериш чорасини ҳам кўрмади. Фақат ўз шахсий манфаатини ўйлади.

Охир-оқибатда халқнинг меҳнатдан кўнгли совиди. Хўжалик қарз ботқоғига ботди. Одамлар ночор аҳволга тушиб қолди.

Колхўзимиз биргина 1996 йилни 17 млн. 879 минг сўм зарар билан якунлади. Иш ҳақидан қарз эса нақд 17 млн. 963 минг сўмга етди. 16 ёшгача бўлган болалар учун бериладиган нафақа пулидан 2 миллион 186 минг 900 сўм тўланмай қолди.

Раис ана шундай бир кескин вазиятда жамоа билан кенгашиб, аҳволни ўнглаш ҳақида бош қотириш ўрнига ўз атрофига бир гуруҳ лаганбардорларни йиғиб, хато-камчиликлари тўғрисида оғиз очган ҳақгўй ва адолатпарвар кишиларга қарши иғво ҳамда фиску-фасодни авж олдирди. Аризабозлик, даҳанаки жанглар билан кифояланмасдан, ҳатто бош ёришгача бориб етишди.

Тошбоев 1996 йилда хўжалик қоракўл қўй отарининг бош чўпони Карим Мирзаевдан бир оғиз гап сўрамасдан касалланиб нобуд бўлган қўзиларни ҳам кирим қилдириб, «шунча қўзи ўстиришга қолдирилди» қабилида тегишли юқори идораларга ёлғон ҳисобот топширади. Била туриб қилинган ана шу кўзбўямачилик сабабли Мирзаев ҳозирга қадар тергов бериб юрибди.

Раис мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда ўз нопок қилмишларини давом эттирди.

(Давоми 6 - бетда)

• *Мададталаб мактуб*

ЎЗИ ХОН, КЎЛАНКАСИ МАЙДОН

(Давоми. Бошланиши 5-бетда)

Хўжалигимизга мутлақо алоқаси бўлмаган Зиё Хўжамов ва Мадат Шайқуловлар (улар бошқа туманда яшайди) ихтиёрига катта-катта майдонларни қўшқўллаб топширган. Бундай кезларда беихтиёр «Текинга мушук ҳам офтобга чиқмайди» деган мақол эсга тушмайдими?

1994-1996 йилларда хўжаликда катта миқдорда пиёз тайёрланган. Аммо унинг киримчиқимини ҳеч ким аниқ билмайди.

Раис жаноблари суғориладиган экинзорнинг қоқ ўртасидан катта майдонни томорқа сифатида эгаллаб олган. Ҳатто уни ўз вақтида қишлоқ фуқаролар йиғини хўжалик дафтаридан ўтказишни ҳам ўзига эп кўрмаган. Фақат бир неча йилдан сўнг уни ўғиллари Баҳодир ва Бахтиёр Тошбоевлар номига расмийлаштирган.

Ажабланарли жойи шундаки, битта жойда Тошбоев ва унинг ўғилларига қарашли тўртта данғиллама ҳовли-жойга эга. Шундай экан, биз фикр юритаётган томорқаларнинг Тошбоевларга нима ҳожати бор? Бобоназар Тошбоевнинг шу каби ноқонуний хатти-ҳаракатлари кўпчиликнинг нафратини қўзғади. Натижада 1997 йил февралида жамоанинг қатъий талабига кўра чақирилган умумий йиғилишда у ўз вазифасидан бўшатилди. Тўғрироғи, шармандаларча ҳайдалди.

Бизни ажаблантирган томони шундаки, Тошбоев бир йилдан ошиқроқ муддат бекор юриб, сўнг томдан тараша тушгандек туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси вазифасига тайинланди. Қайси кўрсатган каромати учун ва ниманинг эвазига у бундай мартабага эришди? Халқ нафратига дучор бўлган кимса шундай ишончга муносибми? Ахир, бу халқнинг ҳоҳиш-иродасига зид эмасми? Наҳотки, унинг ҳомийлари шу ҳақда ўйлаб кўришмаган бўлса?!

Биз Б.Тошбоевнинг қонунга зид хатти-ҳаракатлари тўғрисида туман, вилоят ҳатто республика миқёсидаги жуда кўп маҳкама раҳбарларига ариза билан мурожаат қилдик. Лекин афсуски, уларнинг бирортасидан ҳам қониқарли жавоб ололмадик.

Эндиликда Тошбоевнинг «каромати» туфайли туманда ҳам хўжалик ишлари издан чиқмоқда. Бу йил ғалла бўйича кўзда тутилган давлат топшириқлари бутунлай барбод бўлди. 16 минг 370 тонна ўрнига 9432 тонна ғалла етиштирилди. Ҳосилдорлик аранг 16,8 центнерни ташкил этди. Давлатга 10990 тонна ўрнига 5671 тонна маҳсулот топширилди. Бу берилган буюртмага нисбатан 51 фоизга тўғри келади, холос.

Эшитишимизга қараганда жаноб Тошбоев ҳозирги лавозимидан кетадиган бўлса, яна эски вазифасига қайтишни ният қилиб юрган эмиш. Аммо бизга бундай худбин ва зўравон раиснинг кераги йўқ. Қолаверса, у аввал ўзининг илгари содир этган қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришини талаб этамиз.

Бойқобилов Чори,
Холиқов Соатмурод,
Ҳакимов Жўра
ва бошқалар
Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани
«Хўжаипок» жамоа хўжалиги

• *Таҳлил*

Милиция - халқ посбони, бебаҳо бойлигимиз бўлмиш осойишталикни сақловчи фидойи инсонлар...
Турмушда нималар бўлмайди, дейсиз! Кимнингдир уйини ўғри уради, кимдир бирон муштумзўрдан жабр кўради.
Хўш, шундай пайтда ким биринчи бўлиб ёрдамга келади? Албатта, милиция ходимлари. Биз тунни кунга улаб меҳнат қилаётган милиция ходимларининг иши қанчалик масъулиятли эканини яхши англаймиз. Бу касб эгаси бўлиш, шу касбдан камолга етиш учун аввало фидоий, ҳалол инсон бўлиш керак. Афсуски, баъзида бу касб эгалари ичида ҳам нопок кимсалар борлигини эшитиб, ранжийсан киши.
Бугунги давр ҳар биримиздан фидоийлик кутмоқда. Қайси касб, қайси соҳада ишламайлик, ўз ишимизнинг устаси бўлишимиз керак.
Якинда мухбиримиз Тошкент вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи Равшан БЕКБОЕВ билан мулоқатда бўлди.

БУРЧ ВА

- Равшан ака,сиз бошқараётган бўлимнинг номидан ҳам апглашиладики, у ички ишлар идораларида тергов ва суриштирув устидан назорат олиб боради. Бошқача қилиб айтганда, қонун устиворлигини таъминлайди. Айтинг-чи, ички ишлар идораларида тергов ва суриштирув аҳволи қандай?

- Ички ишлар идоралари ходимларининг аксарияти халқ осойишталиги йўлида фидойилик ва жонбозлик кўрсатиб ишлаётганлигини эътироф этган ҳолда, улар фаолиятида учраб турган камчиликларни таҳлил этсак кўпроқ фойдали бўлади, деб ўйлайман.

Вилоят бўйича тергов ходимлари томонидан 1999 йил 6 ойи мобайнида 50 та жиноят иши ҳаракатдан ётқизилган. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан паст бўлса-да, тергов сифатининг етарли даражада эмаслигидан далолат беради. Бундан ташқари, 26 та жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларининг белгиланган муддатлари бузилган. 8 та жиноят иши қўшимча терговга қайтган. Бундай ҳолатлар прокурорлар томонидан ўз вақтида бекор қилинмаган. Айрим ҳолларда эса прокурорларнинг ўзлари нотўғри жиноят ишлари қўзғатишга йўл қўйганлар.

Прокурорлар томонидан зарур бўлган назоратнинг сустлиги шунда кўринадики, қатор жиноят ишлари ўз вақтида ҳар томонлама ва тўла тергов ҳаракатлари ўтказилмаганлиги натижасида бир неча марта бекор қилинган.

Бундан ташқари, ички ишлар ходимлари томонидан жиноятларни марказлаштирилган ҳисобдан яшириш ҳолатлари ҳам мавжуд бўлиб, шу йилнинг 6 ойи мобайнида 37 та худди шундай ҳолатлар қайд этилган.

Жумладан, фуқаро М.Мирсаликовнинг Бўстонлиқ тумани Чорбоғ кўрғони милиция бўлим ходимлари томонидан бир нечта жиноятлар яшириб келинаётгани ҳақида йўлланган аризаси, М.Мирюсуповнинг бир бош буқаси фуқаро А.Камшин томонидан ўғирланганлиги ҳолати ҳамда фуқаро Д.Беркиновнинг безорилик хатти-ҳаракатлари юзасидан туман ИИБнинг жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарорлари вилоят прокуратураси томонидан бекор қилиниб, фуқаро А.Камшинга ва Д.Беркиновларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди.

Бўлимимиз томонидан айрим жиноят ишлари ўрганилганда ИИБ терговчилари томонидан яққол кўриниб турган жиноятларни нотўғри малакалаш ҳолларига ҳам дуч келдик.

Жумладан, Тошкент туманида ушбу йўналишда прокурорлик назоратининг аҳволи ўрганилганида туман ИИБ томонидан яққол кўзга ташланадиган босқинчилик жиноятларини талончилик ёки безорилик жинояти аломатлари би-

• *Прокурор ҳисоботи*

ҚОНУН УСТИВОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Республикамиз Президенти Олий Мажлиснинг XII сессиясида қонун устиворлигини таъминлаш ҳақида гапириб «Қонун қабул қилиш - бу ишнинг ярми холос. Уларни ҳаётга тўла тадбиқ қилишга эришиш даркор», дея таъкидлаб ўтган эди.



Бахтиёр ХЎЖАЕВ,
Оққўрғон туман прокурори

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, туман прокуратураси туб ислоҳотлар талабларидан келиб чиқиб, Президентимиз фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Бош прокурорнинг кўрсатмалари асосида ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар билан ҳамкорликда туман ҳудудида ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ҳамда жиноятчиликка қарши кураш борасида бир қатор ишларни амалга оширмоқда.

Республика Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказиш учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони корхона ва ташкилотлар ўртасида ўзаро тўлов интизомини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Аммо Фармон ижросини таъминламаётган корхона,ташкилот ва хўжаликлар ҳали кўп. Тўлов интизомига риоя этмаслик дебитор-кредитор қарзлари-нинг ошиб кетишига, бунинг оқибатида фуқароларнинг бир неча ойлаб ойлик маошларини ололмасдан сарсон бўлишларига сабаб бўлмоқда. Агарда мулоҳаза қилиб кўрадиган бўлсак, қарзлари ошиб кетган корхона ёки ташкилот охир оқибат банкрот ҳолатига тушиб қолиши турган гап.

Минг афсуски, баъзи раҳбар лавозимдаги шахслар ўз мансаб мавқеидан фойдаланиб, давлат мулкини талон-тарож қилмоқдалар. Шу йилнинг июнь ойида туман прокуратураси томонидан туман ҳокимияти давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими қошидаги «Дал-Брок» брокерлик идорасида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, иш ҳақи ҳамда нафақаларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш юзасидан текшириш ўтказилганида идора раҳбари Р.Илёсов ўз мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, 121191 сўм миқдоридаги идора пулини ўзлаштиргани маълум бўлди. Р.Илёсовга нисбатан жиноят иши қўзғатилди ва тергов ўтказилиб, ушбу иш туман судига юборилди.

Туман прокуратурасида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, тарбиялаш ишларига жиддий эътибор билан қаралмоқда. Сабаби бугунги кунда самарадорлик, иш унуми кўп жиҳатдан ҳар томонлама етук, билимдон, малакали кадрларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам прокуратурадаги ёшларга иш юзасидан тегишли маслаҳатлар бериш, ўз малакаларини ошириб боришига кўмаклашиш доимий назоратга олинган. Натижа эса қуйидаги рақам-ларда маълум бўлади. Жорий йилнинг 6 ойи давомида 16 та жиноят иши тергови тугалланиб, шундан 15 таси кўриб чиқиш учун судга оширилди. Тергов муддати бузилган, қайта терговга қайтарилган ишлар мавжуд эмас. Судларда жиноят ва фуқаролик ишларини кўришда прокурор иштироки доимий равишда таъминланмоқда.

Туман ИИБ бўлимида тергов ва суриштирув ишлари доимо назорат қилиб борилмоқда. Жорий йилнинг шу бугунги кунигача дастлабки тергов ва суриштирув ишларини тўхтатиш бўйича 3 та, жиноят иши қўзғатишни рад этиш бўйича 2 та қарор бекор қилинди.

Касални даволашдан кўра, унинг олдини олган афзал, дейди халқимиз. Бироқ ИИБ томонидан профилактик тадбирлар ўтказиш қониқарсиз аҳволдалиги ачинарли ҳолдир. Участка нозирларининг муқаддам судланган, жазони ўтаб қайтган шахслар билан иш олиб боришмаганлиги оқибатида улар томонидан қайта жиноятга қўл уриш ҳоллари содир этилмоқда.

Кўп ҳолларда нозирлар жазони ўтаб қайтган шахсларни рўйхатга олиб қўйиш билангина чекланиб қолишмоқда. Ваҳоланки, уларнинг кейинги тақдири, атрофдагилар билан алоқаси участка нозирларининг доимий назоратида бўлиши керак. Зеро, келиб чиқаётган жиноят-ларга ҳам ана шу эътиборсизлик, бепарволик каби иллатлар сабаб бўлмаяптимикан?

Мана бир мисол, муқаддам 4 марта судланган С.Сапаров ҳамда Ю.Черниковлар такроран ўғирлик жинояти содир этганлар. Юқоридагилардан келиб чиқиб, бу борада аниқ чора-тадбирлар кўриш мақсадида туман ИИБ бўлимига тақдимнома киритилди.

Биз бугун янги даврда, янгича мезонлар асосида ишлаяпмиз. Умумий тараққиёт ва олижаноб мақсадларга тўғаноқ бўладиган ҳар қандай иллатлардан воз кечишни даврнинг ўзи тақазо қилмоқда. Шундай экан, ҳар бир ишни адолат билан ҳал қилмоқ лозим. Қолаверса, бу бизнинг вазифамиз, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги бурчимиздир.

МАСЪУЛИЯТ

лан чалкаштириб иш қўзғатиш каби салбий амалиётга йўл қўйилганлиги, туман прокуратураси эса ушбу ҳолатларга ўз вақтида чек қўймасдан, назоратни сусайтириб юборганлиги аниқланди.

1999 йил 14 январь куни Тошкент тумани Тўлабий жамоа хўжалигида яшовчи А.Музаффаровнинг уйига кечаси номаълум шахслар кириб, унинг оила аъзоларини пичоқ билан кўркитиб, уларга тан жароҳати етказганлиги ҳолати юзасидан туман ИИБ терговчиси А.Эргашев томонидан ЖКнинг 277-моддасида белгиланган жиноят аломатлари билан жиноят иши қўзғатилган.

Ушбу жиноят иши вилоят прокуратурасида ўрганилганида жиноятчиларнинг ҳаракатларида босқинчилик жинояти аломатлари борлиги аниқланиб, туман прокурорига жиноят ишини ЖКнинг 164-моддасига қайта квалификациялаш ҳақида кўрсатма берилди ва туман прокурори томонидан ушбу жиноятни ЖКнинг 164-моддаси 3-қисми «в» банди билан қайта малакалаш ҳақида қарор қабул қилинди.

- 1999 йил ўтган даври мобайнида туман ва шаҳар прокуратуралари томонидан қўзғатилган жиноят ишлари орасида ички ишлар идоралари ходимларига нисбатан қўзғатилган ишлар ҳам бор. Буни изоҳлаб берсангиз.

- Жиноятлар турлича: товламачилик, фирибгарлик, қасддан баданга енгил шикаст етказиш, мансабга совуққонлик билан қараш, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш...

Жумладан, Зангиота тумани ИИБ «Бўзсув» кўрғони бўлинмасининг паспорт столи бошлиғи Ш.Қаноатов ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб фуқаро У.Розиқовга қалбаки паспорт берган. Ушбу ҳолат юзасидан унга нисбатан ЖК нинг 205-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари натижасига кўра жиноят иши айблов хулосаси билан туман судига юборилган.

Ички ишлар ходимлари томонидан ўз ваколати доирасидан четга чиқиб, фуқароларнинг ҳуқуқларини менсимасдан уларга тан жароҳати етказиш каби ҳолатларга ҳам йўл қўйилганлиги аниқланмоқда.

Жумладан, Қуйичирчиқ тумани ИИБ участка вакили А.Бозорбоев ўз ваколати доирасидан четга чиқиб, фуқаро М.Оролбоевни уриб, унга тан жароҳат етказган. Шунингдек, Оҳангарон тумани ИИБ Қўриқлаш бўлинмаси ходими Х.Умаров ўз уйида турмуш ўртоғи У.Йўлдошевани уриб, унга тан жароҳати етказган. Ушбу ҳолатлар юзасидан К.Бозорбоевга ЖК нинг 206-моддаси 2-қисми билан, Х.Умаровга эса ЖК нинг 109-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари натижасига кўра жиноят ишлари айблов хулосаси билан судга юборилган.

Вилоят ички ишлар ходимлари орасида фириб-гарлик, товламачилик жиноятларини содир этганлар ҳам борлиги кишини таажжубга солади.

Бекобод шаҳар ИИБ ЖТСБ ходими Очилбой Тожибоев қалбаки штамп ясаб, Тожикистон Республикаси 5 та фуқаросини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказиб, 10 минг сўм пул олганлиги ва унинг ушбу жиноий хатти-ҳаракати оқибатида 2 та фуқарога асоссиз паспорт берилганлиги ҳолати юзасидан Бекобод шаҳар прокурори томонидан унга нисбатан жиноят иши қўзғатилган ва ҳозирги вақтда тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Жорий йилнинг 4 ойи давомида ИИБ ходимлари томонидан содир этилган жиноятлар таҳлил қилиниб, вилоят ИИБ га ушбу тоифадаги жиноятларнинг олдини олиш юзасидан тегишли тадбирлар белгилаш бўйича вилоят прокуратураси томонидан тақдимнома киритилганига қарамасдан аҳвол ўнглаб олинганича йўқ. Бу ҳолат эса вилоят ички ишлар идораларида жиноятларнинг олдини олиш борасида тарбиявий ишлар етарли даражада олиб борилмаётганини кўрсатади. Амалий тадбир-чоралар белгиланмаганлиги аниқланиб, 1999 йил 6 ойи якуни бўйича бу тоифадаги жиноятларга чек қўйиш мақсадида вилоят ИИБга тақроран тақдимнома киритилди.

- Тергов ва суриштирув ишларида йўл қўйилаётган бундай камчиликларни бартараф этиш учун бўлим қандай чора-тадбирларни амалга оширмоқда?

- Тергов ҳаракатлари чигаллашиб, мураккаблашиб кетишининг олдини олиш учун терговолди ҳаракатлари ва дастлабки терговнинг сифати ва самарадорлигига алоҳида эътибор бериш лозим. ЖПК 351-моддаси талабларига кўра, дастлабки тергов муддати 2 ой қилиб белгиланган. Лекин аксарият ҳолларда қонуннинг бу талаби ИИБ тергов ходимлари томонидан бузилмоқда. Бу ҳолатларга чек қўйиш мақсадида тергов муддатини 3 ойгача узайтиришга вилоят прокуратураси ва вилоят ИИБ ТБда муҳокама қилинганидан сўнг розилик бериш, мураккаб ишларни тергов қилишни малакали терговчиларга топшириш, айрим ҳолатларда тергов гуруҳини тузиш амалиётга жорий қилинди. Бундан ташқари, ҳар бир қайтарилган жиноят ишини муҳокама қилиб, сифатсиз ва бир ёқлама тергов қилинган ишлар бўйича айбдор шахсларга тегишли чоралар кўриш амалиёти ҳам кўлланмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, барча соҳаларда ҳам камчилик ва нуқсонларнинг олдини олиш учун аввало, қонун барчага баробар, деган тамойилга қаттиқ риоя қилишимиз лозим.

Меҳри БОЛЛИЕВА суҳбатлашди



Суратда: вилоят прокуратурасининг бўлим прокурорлари И.Усмонов ва М.Музаффаровлар иш устида.



Суратда: Чиноз туман прокуратурасида иш ўрганаётган ёш мутахассислар.

• *Жиноят ва жазо*

ТАЪМАГИРНИНГ ҚУРБОНИ

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган жиноятнинг айбдори халқимиз ҳуқуқларини, тинчлигини қўриқлаш касби, бурчи бўлган ҳуқуқ-тартибот идораси ходими эканлиги қанчалик ачинарли бўлмасин, бу жиноят оқибатида бир навқирон йигит ҳаёт билан видолашгани шунчалик оғирдир.

Қуйи Чирчиқ тумани ИИБ қошидаги қўриқлаш бўлими ходими Хайрулла Абдусаломов ҳам ўз хизмат вазифасини ҳалол, виждонан бажариб, эл-юрт осойишталигини таъминлашда ҳамкасблари қатори сидқидилдан меҳнат қилса бўларди. Бироқ «балои нафс» уни ўз гирдобига тортди, жазога гирифтор қилди.

1998 йилнинг июнида Хайруллага тумандаги «Гулистон» жамоа хўжалиги дала экинларини пайҳон қилинишдан сақлаш вазифаси юклатилади. Дастлаб у ўз вазифасини яхшигина бажариб юрганди. Бироқ унинг озгина пул ишлаб олгиси келиб қолди.

Режага мувофиқ бирор кишини содир этилмаган жиноятда айблаб, эвазига пул талаб этиши керак эди. Шундай одам топилди. Бу «Гулистон» жамоа хўжалигида яшовчи Бахтиёр Есжонов эди. Фақат унга айб қўйиш қолди, холос. Баҳона ҳам топилди.

1999 йилнинг февраль ойида Хайрулла Бахтиёрни «Гулистон» жамоа хўжалиги марказидаги участка пунктига чақириб, содир этилмаган велосипед ўғирлигини бўйнига қўймоқчи бўлди.

- Менга қара, агар 100 долларс ёки 40 минг сўм пул олиб келмасанг, тамом бўлдим, деявер, - деди Хайрулла ўшқириб, - Акс ҳолда ўзингни қамокда кўрасан.

Милиционернинг дўқ-пўписасидан юраги орқага тортиб кетган Бахтиёрнинг хаёлида турли ўйлар чарх урди. Агар пул топиб келмаса, бир умр ўғри, қамалган деган ном уни таъқиб этишини ўйлаб вужудини титроқ босди. Шу куни у қайнонаси А.Давлатовадан «зарур бўлиб қолди» дея 5 минг сўм пул қарз олди. Аммо бу кам эди. Уйидаги буюмларини ҳам сотиб жами 14,5 минг сўм пулни Хайруллага олиб келиб берди.

15 февраль куни соат 15 ларда Хайрулла Бахтиёрни участка пунктига чақириб келди. Ҳеч қандай асос бўлмаса-да, кеч соат 19 ларгача қўйиб юбормади.

- Сен бола ким билан ўйнашаётганингни билмаяпсан чоғи. Агар қолган 25,5 мингни олиб келмасанг қаматиб юбораман, - дея кўркитиб, унинг паспортини олиб қўйди.

Бахтиёр 16 февраль куни кун бўйи қарзга пул излади. Яқин танишлари, ҳамкишлоқларидан сўради. Бироқ ҳеч натижа чиқмагач, узокда яшайдиган қариндошларининг уйига борди. Аммо у ердан ҳам қуруқ қайтди. Чорасиз қолган Бахтиёр хотинини қайнонасиникига қарз сўрагани юборади. Хотини кетгач, бироз ўтиб Хайрулла келиб қолди. У Бахтиёрни ҳақорат қилиб, шаъни ва қадр қимматини ерга уриб участка пунктига боришлигини айтиб ортига қайтди.

Бахтиёрнинг кўз олди қоронғулашди. Унинг қулоғи остида Хайрулланинг ҳақоратлари тинимсиз жаранглаб, кўзи ўнгида уни ҳамкишлоқлари «ўғри, ўғри» дея қўлини бигиз қилиб кўрсатаётгани гавдаланаверди. Наҳотки... Наҳотки у энди айбсиз айбдор бўлиб қолади?!

Чорасиз қолган Бахтиёр бу исноддан қутулишнинг ягона йўлини топгандай бўлди. Ўз жонига қасд қилди.

Ҳали ҳаётга тўймаган, навқирон йигит иймони, диёнатини йўқотган бир таъмагирнинг қурбони бўлди. Унинг гулдек хотини бева қолди. Аммо Бахтиёрнинг танлаган йўлини оқлаб бўлармикан? Йўқ, албатта. У Хайрулланинг устидан тегишли идорага арз қилса бўлар эди. Бироқ энди кеч. Қуйи Чирчиқ туман судининг ҳукми билан Хайрулла Абдусаломов 8 йилга озодликдан маҳрум этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йилнинг 30 апрелдаги Амнистия тўғрисидаги Фармони муносабати билан белгиланган жазо муддатининг бир қисми қисқартирилди.

Халқимиз азалдан кечиримли. Аммо бу мурувватни Хайруллага ўхшаш ўз манфаати йўлида иймони ва диёнатини ҳам пулга сотиб юборадиган кимсалар ҳис этармикан, ҳар қалай, биз шундай бўлишини истардик.

Ж.ИСРОИЛОВ,
Қуйи Чирчиқ тумани прокурори

Навоий вилояти прокуратураси жамоаси вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Илҳом Қаландарович Очиловга падарибузруквори

Қаландар ОЧИЛОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради

ВАТАН ТУЙҒУСИ - БУЮК ИНОЯТ

туйғуни ҳар бир ўзбекистонлик қалбдан ҳис этди.

Ҳўш, юракларимизнинг нозик торларини қитиқлаган, унда ифтихор, муҳаббат, садоқат ва ишонч уйғотган бу буюк туйғу нима ўзи?

Ватанпарварлик - бу аввало ўз она - Ватани, халқини чин дилдан севиш, унга садоқат, келажагига ишонч, унинг равнақи учун фидойилик, ҳимояси учун жонни ҳам аямасликдир.

Мустақиллик берган яна бир неъмат - Ватанимизнинг иқтисодий баркамолликка эришиши учун кенг имкониятларнинг очилишидир. Дарвоқе, Собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистонда қурилиши лозим бўлган кўприк ёки бино учун Кремлдаги «Иван Ивановичъ»нинг розилиги олиниши, маблағ ажратилиши учун яна кимлargадир ялиниб - ёлвориш, исбот - далиллар битилган сумка-сумка қоғозларни тақдим этиш лозим эди. Ўзимиз ишлаб топган маблағни ўзимиз тасарруф этишдан маҳрум эдик. Етиштирган пахтамиз, қазиб олган олтинимиз, газимиз тақдири Кремлдаги «оғалар»нинг кабинетларида ҳал бўларди. Ўзбекистон тупроғидан олинаётган маъдан бойликлар, «олтин қўллар» яратаётган «оқ олтинлар»нинг ҳисоб-китоби, савоби-заволи оддий халқ у ёқда турсин, республика раҳбарларига ҳам ойдин эмас эди. Биз Москва берган режани ҳар қандай йўл билан сўзсиз бажаришимиз, «инсоф» билан берилган «садақа»ни олиб, «қоринни тўқлаш»га, бошқа нарса билан қизиқмасликка ўргатилган эдик. «Ривожланган социализм», «коммунизм» ғоялари билан қорнимизни тўйдиришга ҳаракат қилинарди. Бир сўз билан айтганда ўзи иқтисодий ночор бўлган Россияга иқтисодий қарам бўлган - қолоқ ўлка эди Ўзбекистон. Қарийб бир даврда мустақилликни қўлга киритган Собиқ Иттифоқ Республикалари иқтисодий тараққиётнинг турли йўлларини танладилар. Ана шу даврда қайси йўлдан бориш, қайси тараққиёт моделини танлаш - республика раҳбарларидан катта билим, тажриба, матонат ва зукколикни талаб қиларди. Негаки, бу йўлда адашиш мустақил давлатларни, айниқса ўтиш даврида жуда оғир иқтисодий инқирозга олиб бориши, халқни қолоқликка маҳкум этиши табиий эди. Бир воқеа хотирамда муҳрланиб қолган: юртбошимиз Ислом Каримов Президент этиб сайлангандан сўнг ўтказилган бир матбуот конференциясида хорижлик журналистнинг «Жаноб Президент, айтингчи, Ўзбекистон иқтисодий тараққиётнинг қайси йўлини - туркча моделинимми ёки хитойча моделини танлайди», - деб берган кинояли саволига Президенти-миз «Биз ўзимизга хос, ўзимизга мос тараққиёт йўлини - яъни Ўзбекистон моделини танлаймиз», деб қатъият билан жавоб қайтарган эдилар. Тўғриси, ўша дамда мен бу сўзларнинг маъносига унчалик тушуниб етмаган эдим.

Кейинчалик йиллар ўтиши билан бу сўзларнинг қанчалик донолик билан айтилганлиги, мустақилликка эришган онимизданоқ юртбошимиз ривожланган давлатлар тажрибасидан воз кечмаган ҳолда ўз тараққиёт йўлимиз бўлишини орзу қилганлиги, бу йўлни яққол кўрсатиб бериш билан бирга, шу йўлдан оғишмай қадам қўйганлиги ҳаммани, ҳатто ўша хорижлик иқтисодчиларни ҳам ҳайратга солмоқда.

Баъзан турли хил давраларда бўлганимда «мустақиллик нима берди? Ҳаммаёқ қимматчилик, союз пайтида ҳамма нарса арзон эди, гугурт 1 тийин, туз 7 тийин турарди, ойлик яхши эди» деб фикр юритувчи кишиларни учратиб қоламан. Бундай шахсларга жавобимиз шундай:

Биринчидан, совет даври 80 йилда эришган ютуқ билан мустақиллик даврининг 8 йилда эришилган муваффақиятларини мантиқан таққослаш лозим бўлади. 70 йиллик совет даврининг 20-30-йиллардаги очарчилик, 40-50-йиллардаги қаҳатчилик, 50-60-йиллардаги қимматчиликларини, одамлар фақат 60-йиллардан кейин «нон»га тўйганлигини, 80-йиллардаги қатағонларни унутмаслик керак. Мустақилликнинг 7 йилида Худога шукр, дастурхонимиз тўкин, устимиз бут, уйлар солаяпмиз, тўйлар қилаяпмиз.

Иккинчидан, давлатимиз ўтиш даврини ўз бошидан ўтказмоқда. Бир жамиятдан иккинчисига ўтиш ҳар доим ҳам иқтисодий қийинчиликларсиз бўлмаган. Бу жамият қонуни. Аммо, бу қийинчиликлар вақтинчалик бўлиб, якин йилларда барҳам топади.

Учинчидан, собиқ Совет давлати иқтисоди мустамлакачилик негизида қурилган бўлиб, барча Республикалар иқтисоди бир-бирига, асосан Россияга боғлаб қўйилган эди. Иттифоқнинг емирилиши ана шу ипларни узиб юборди. Мустақил Республикаларнинг бошқа иқтисодий зоналар билан ҳамкорлик ришталарини боғлаш учун, албатта, бироз вақт талаб қилинади. Шу даврда иқтисодий қийинчиликларнинг бўлиши табиий ҳолдир.

Тўртинчидан, собиқ Совет даври инсонларда мулкка, жумладан ерга эгалик ҳиссини йўқотган, ишбилармонлик, деҳқончилик маданиятини кескин сусайтириб юборган эди. Инсонларда ҳали бундай ҳислатларни шакллантиргунга қадар бироз вақт керак бўлади. Бу ҳам ўз навбатида иқтисодий қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шулар ва ўтиш даврининг бошқа қийинчиликлари маълум муддат иқтисоднинг бир текисда ривожига тўсиқ бўлади. Шундай бўлсада, Республикамизнинг иқтисодий соҳада бугун эришган ютуқлари мақтолса арзигуликдир. Дунёдаги 200 дан зиёд давлатлардан фақат 20 тадан зиёдроғи ўз автомобилини ишлаб чиқаришга эришган бўлса, улар орасида Ўзбекистоннинг борлигидан фахрланмай бўладими? Қурилаётган юзлаб завод ва фабрикалар, қўшма корхоналарнинг келажагига умид қилмай бўладими? Бир отахон «Ўзбекистон иқтисодий соҳада 8 йилда 80 йилдагидан кўра кўпроқ муваффақиятга эришди» деб айтган эди.

Бугун Ўзбекистон байроғи Бирлашган миллатлар ташкилоти биносида ҳилпираб турибди. Ўзбекистондаги тинчлик, барқарорлик жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини янада кўпроқ жалб этмоқда. Кўплаб халқаро ташкилот ва жамиятлар Ўзбекистон билан сиёсий, иқтисодий ижтимоий ҳамкорлик алоқаларини боғламоқдалар.

Аммо, мустақил Ўзбекистоннинг қисқа муддатдаги муваффақиятлари айрим қора ниятли ғаламисларга ёқмаяпти.

Бир пайтлар ўзини ўта ватанпарвар қилиб кўрсатиб юрган кимсалар эса хоинлик - Ватанга, халқига хоинлик йўлини тутдилар. Ўз қўл остига бир қанча ёшларни тўплаб жиноятга етакладилар... Мудҳиш 16 февраль воқеалари тепасида туриб, қотилга айландилар ва охир-оқибатда халқнинг лаънатига дучор бўлдилар.

Ўзбекистоннинг муваффақиятларини кўриб кўрмасликка олаётган, «буюк миллатчилик» касалига мубтало бўлган Жириновский каби кимсалар ҳам Ўзбекистонга тош отишни бас қилмаяптилар. Бир пайтлар «тарихда Ўзбекистон, Қозоғистон, ... каби давлатлар умуман бўлмаган» деб исботлашга уринган, юртимизга ғаним раҳна солганида бизга «помидору бодринг, картошкалар отиб, душмандан сақланиш»ни маслаҳат берган ақли калта ҳудбин ўзи «Ватан» туйғусини билармикан? Билмайди! Билганда «ота-онанг қайси миллатдан» - деб сўраганларида, телевидениеда - миллионлар олдида «онам - рус, отам - юрист» деб ахмоқона жавоб берармиди? Отасининг кимлигини билмаган ёки уни айтишга ҳазар қилган кимса оқпадар эмасми?

Аммо, менинг ташвишим бошқа нарсада. Бундай «найранг»лар йўлига кириб, Ватанига тош отмоқчи бўлган ёшларни кўпроқ ўйлайман, Негаки, Республика Олий суди «қора курсиси»да ўтириб айблари учун жавоб берган 22 нафар ёш йигитлар ҳам Ватанига хизмат қилиши, Ватанидан мағрурланиши, унинг қучоғида гуллаб-яшнашдек бахтга лойиқ бўлиши мумкин эди-ку! Ёш умрлари лаънатларга нишон бўлмасди-ку? Энди эса уларнинг кўз ёшлари ҳеч кимда шафқат уйғота олмайди...

Мустақиллик берган яна бир неъмат миллий маънавиятимизнинг тикланиши билан боғлиқдир. Дарвоқе, бир вақтлар дунёга машҳур бўлган маънавиятимиз истибдод йиллари ҳар жиҳатдан камситилган, ҳукмрон мафкурага мослаштирилган.

Мустамлакачилик йиллари тилимиз, миллий - қадриятларимиз, тарихимиз, динимиз оёқ ости қилинди, Ўзбек тилида гапириш «қолоқлик», тарихни ўрганиш, миллий қадриятлар ҳақида гапириш «миллатчилик» деб қаралди. Рус тили, Россия тарихи, Европа ва ўрис маданияти кўкларга кўтариб мақталди, шу йўлни тутганларга қатор-қатор имтиёзлар берилди, аксинча ўз тили, тарихи ва маданиятини севувчилар Ватан «хоин»лари сифатида йўқ қилинди.

«Комсомол», «компартия» деган баландпарвоз ва мавҳум тушунчалар билан кўйнимиз луч ёнғоққа тўлдирилди, аслида бир мақсад - бошқа миллатларни йўқ қилиб, «мавҳум совет миллати»ни барпо этиш кўзланди. 130 йилда кўпгина маънавий қадриятларимиз барҳам топди, «Наврўзимиз»га болта урилди, юртимизнинг буюк сиймолари - халққа «ола бўжи» қилиб кўрсатилди.

Мустақиллик шабадаси тилимизга давлат мақомини берди, маънавий қадриятларимиз тикланди. «Наврўз» байрами умумхалқ байрамига айланди, Хотира ва Қадрлаш куни эълон қилинди, Буюк бобокалонларимиз - Амир Темур, Хўжа Исмоил Бухорий, Ат-Термизий, Ал Фарғоний, Баҳовуддин Нақшбандий, Алишер Навоий, Бобур, Улуғбекларнинг муборак номлари қайтадан тикланди, уларнинг жаҳоншумул асарлари дунё юзини кўрди. Динимиз эркин бўлди, - мачитлар қурилди, ҳаж сафарларига йўл очилди.

Бир сўз билан айтганда ўз юртининг суюкли, баркамол, билимли, эътиқодли, юксак маданиятли ва тенг ҳуқуқли фуқароси бўлиш, унинг тиниқ ҳавоси, зилол суви, ноз-неъматларидан баҳра олиш, уни мадҳ этиш - мустақиллик туфайли барчамизга Оллоҳнинг берган буюк иноятидир.

Комил СИНДАРОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди



Хирмон тўлиб тўкилди дон,
Тандир тўлиб ёпилди нон.

Мустақиллик ҳуқуқ демакдир

Ҳуқуқ
ЮРИДИК ГАЗЕТА

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 00150 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАЪСИСЧИЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Қонун ҳимоясида»журнали

Манзил: 700047, Тошкент шаҳри, академик Ҳ.Ё Туломов кўчаси, 66-уй.
Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34, 133-63-88.

Бош муҳаррир: Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ
Таҳрир ҳайъати: Бўритош Сайфуллаев, Ботир Пўлатов, Дилшод Исломов (масъул котиб), Мэлс Наимов, Лола Шомуротова, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Зайниддин Мамадалиев

А.Маматқулов суратларидан фойдаланилди.

Муаллифларнинг фикри таҳририят фикридан фарқланиши мумкин. Кўчириб босилганда «Ҳуқуқ»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

«Ҳуқуқ» оригинал макети.

Газета PENTIUM - II mmx компьютерида саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида босилди. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси - 41. Нусхаси - 12749. Буюртма Г-0675. Бичими А-3.

Навбатчи: Н.МАҲМУДОВ

1 2 3 4 5 6

Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти: 20.00
Босмахонага топширилди: 20.20